

Оила Институтининг Мазмун Ва Мохияти

Курбонова Гузал Сайдахматовна¹

Аннотация: мазкур маколада барчамиз учун мукаддас даргох булган оила институтининг мазмун ва мохияти чакида сиз юритилган булиб, кишилик жамиятида оиланинг пайдо бўлиш тарихини, ижтимоий мохиятини, ахлоқий - тарбиявий ролини ва бошқа хусусиятларини ўрганиш фоят муҳимлиги куриб чикилди. Оиласа нисбатан аввалги ва хозирги дунёкарашлар, фикр- мулоҳазалар келтириб утилган.

Калит сузлар: маҳалла, кишилик жамияти, хонадон, ота-она, буви- бобо, ўғил- келин, қиз-куёв, нуклеар оиласалар, демографик сиёсат, оила.

Кириш

Ўзбек халқини оилавий муносабатларини тарихий нуқтаи назардан ўрганиш ҳозирги кунда ҳам илмий ҳам амалий аҳамиятга эга масала сифатида қаралмоқда . Кишиларнинг оилавий муносабатлари инсоният тарихининг қадимги даврига бориб тақалади Шу ўринда бундай ўзаро муносабатлар тарихий этнографик адабиётларда муайян таризда ўз ифодасини топганлигини қайд этиш зарур. Ислом динининг мукаддас китоби “ Куръони Каримда”ги ва Ҳадиси шарифлардаги оиланинг турмиш тарзи, қариндош уругчилик муносабатларига оид ахлоқий фалсафий қарашлар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Оиласа фарзандлар тарбиясига оид ахлоқий -маънавий қарашлар , инсон камолатига оид илғор фоялар барча даврларда шарқ мутафаккирларининг дикқат марказида бўлиб келган².

Шу маънода туркий халқлар жумладан , ўзбеклар тарихини ўрганишда муҳим манъба лардан бири, хусусан ўтра аср муаллифлари Маҳмуд Қошғарийнинг “ Девони лугатит турк “ ҳамда тарихий этнографик манъба Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “ Оила” асарлари алоҳида ўрин эгаллайди. Бу асарларда ўзбекларнинг қадимги аждодлари ижтимоий турмишига оид қисқача маълумотлар учрайди, жумладан, қадимги туркий этносларнинг оилавий турмиш тарзи, урф- одат ва маросимларини, диний эътиқод ва тасаввурлари ҳакида айрим этнографик мазмундаги қайдлар мавжуд. Уларда оила аъзолари ўртасидаги ўзаро алокалар, қўни қўшничилик муносабатлари ҳакида ҳам айрим маълумотлар учрашини қайд этиш зарур³.

Тадқиқот обьекти ва методлари

Оила ижтимоий ҳодиса сифатида инсониятнинг улуғ қашфиёти саналади. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов такидлаганидек: “ Шарқда қадим - қадимдан оила мукаддас ватан саналган . Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик хукм суради. Зоро, оила фаровонлиги - миллий фаровонлик асосидир.”

Шу боисдан кишилик жамиятида оиланинг пайдо бўлиш тарихини, ижтимоий мохиятини, ахлоқий - тарбиявий ролини ва бошқа хусусиятларини ўрганиш фоят муҳимдир. Бу соҳада оилашунослик ижтимоий фанларда алоҳида бир тармоқ сифатида шакилланган . Аслида “Авесто”, Куръони карим ва муқаддас ҳадисларда ўз сарчашмасини олган оилашунослик ҳакидаги қарашлар Абу Наср Фаробий , Абу Райхон Беруний , Абу Али ибн Сино, Унсурул Маолий Кайковус , Алишер Навоий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида бир мунча ривож топди, улар бу масалани, асосан ота –она ва фарзанд муносабатлари доирасида талқин қилиндиар.

Оила аслида арабча “аёлманд ,ниёзманд “маъноларини англатувчи оил” сўзидан чиққанлиги “ Фарҳангни забони тоҷики “да қайд қилинган . Янги тузилган беш жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати “ учинчи китобида ҳам бу сўзнинг арабчалиги таъкидланиб, унинг беш маъноси фарқланади. Дастлабки ва бош маъноси: “Эр-хотин, уларнинг бола чакалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон “. Иккинчиси- қўчма маънода: Бир мақсад, маслак билан бирлашган қўп кишилар, халқлар, мамлакатлар”. Учинчи маъноси: “Ўсимликлар ва хайвонлар систематикасида тузилиши жихатдан бир бирига ўхшаш келиб чиқиши жихатидан ҳам ўзаро яқин бир неча уругни ўз ичига олган гурух : Дуккаклилар оиласи . Ўрдактумшиқлилар

¹ Тошкент шаҳар Сирғали тумани, Тошкент давлат педагогика университети таянч докторантни Узбекистон тарихи ихтисослиги

² Юсуф Ҳос Ҳожиб Қутадғу билиг, - Т., 1990.- б 12 -137; Абу Али Ибн Сино . Тиб қонунлари .- Т, Ҳикмат . – Т.,1994.-б , 8-9; Кайковус .Қобуснома .-Т., 1990 .-б .83-88

³ Маҳмуд Қошғарий девони лугатит турк .- Т., 1960. Т.Ш; Ризоуддин Ибн Фахруддин . “ Оила ” / Маъсул мухаррир Ирисов А .-Т .,1991 .- б.-28-44.

оиласи “Тўртинчи маъноси :” Кардош тиллар гурухи: Олтой тиллар оиласи . Сом-хом тиллар оиласи “ Бешинчи маъноси жонли сўзлашув тилида : “ Рафиқа ,хотин . Оиласи мактабда ўқитувчи ”⁴

“Оиланинг келиб чиқиши ҳали батамом ойдинлаштирилган эмас ,деб ёзилади “ Философия луғати “да .- Мутахасисларнинг аксаряти ибтидоий жамоа тузимининг аввалида тартибсиз жинсий алоқалар хуким сурган ва у вактда оила ҳали бўлмаган . ,бу алоқалар ўрнини группавий никоҳ эгаллаган.

Оила инсон учун мукаддас даргоҳ бўлиб ,у инсонларнинг табий, иктиносидий, ижтимоий , хукуқий ва маънавий муносабатлари замирида юзага келган. Оила тақдири унинг расмий тус олиш лаҳзасидан бошланади, шундагина эр хотин олдида , хотин эр олдида , улар ота -она сифатида фарзандлару кавму кариндошлар ,маҳалла куй, кискаси , жамият олдида , ўз навбатида, фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ва эл-юрти олдида масъулият сезадилар ва бурчли эканликларини хис қилиб яшайдилар .

Оила жамият ичидаги кишилар бирлиги сифатида шу жамият низомлари асосида яшасада, оиласи муносабатлар нисбатан мустақил ходисадир , унинг ички ишлари унда яшовчиларнинг ўз шахсий юмушлари хисобланади, оила ишларига бирорнинг аралашувига ҳаққи йўқ ,шу маънода оила жамиятининг мұқаддас ва дахилсиз уйидир ёхуд бошқача қилиб образли ифодалаганда ,оила мустақил мухториятдан иборат салтанатдир. Бу салтанатнинг подшохи - ота ,вазири- онадир. Оила жамият таркибида экан , оиласи муносабатлар ҳам шу жамиятга мансуб ижтимоий – иктиносидий, сиёсий - мафкуравий ва манавий – ахлоқий муносабатлар замирида ва таъсирида кечади, шу жараёнга хос ўзгаришлар асосида ўзгариб, ё такомиллашиб, ё маҳдудликка гирифтот бўлган тақдирида таназзулга учраб бораверади.

Оила таназзули , фикримизча, тубандаги беш омилга боғлик ҳолда юз беради. Биринчиси - эр – хотиннинг маънавий -ахлоқий жихатдан бир – бирига мос келмаганлиги туфайли. Иккинчиси - фарзандсизлик оқибатида. Айниқса ўзбек оиласида бу мисисиз фожия тарзида қабул қилинган . Учинчиси – шу ҳолатнинг тескариси бўлиб, уч - тўрт хотиндан туғилган кўп фарзандлар орасидаги мерос талашув натижасида . Бу ходиса ибтидоий ўтмишда юзага келган пуналуал оила бағрида кўрина бошлаган эди, аникроғи, бегона аёлнинг оиласида кириб келиши оқибатида бу оиласидаги фарзандларнинг уни қай йўсинда қабул қилганликлари ёки аксинча, бегона аёлнинг бу фарзандларни қандай қабул қилганлиги айрича роль ўйнай бошлади . Патриалхал тузум ақидаларига кўра онаси вафот этган бола хола ва бошқа қариндош аёллар тарбиясида колган . Улар болани ўз меросхўри санаганлар . Отанинг бегона уруғдаги аёлга уйланиш одати юз бергач эса ,бola бу хукуқлардан маҳрум этила бошланган . Ота учун ҳам эри оиласида дуч келган фарзанд бегона- ўтай она ўртасида душманчилик муносабатларининг пайдо бўлишига шарт шароит туғдирган . Колаверса ,полигам оиласида мерос учун кураш натижасида аёллар кўпинча душман қутибга айланиб қолиб, уларнинг ҳар қайсими си мероснинг кўпроқ қисмига эга бўлишига ҳаракат қилиш асносида меросхур кундошларини ва уларнинг болаларини ёмон кўрадиган бўлиб қолди . Мерос учун кураш нафақат кундошлар ўртасида ,балки ўтай ака-укалару ўтай опа –сингиллар ўртасида ҳам мурасасизликни юзага келтириди ва бирмунча кучайтириди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки ,онанинг ўзганинг боласини ўз боласидай қабул қила олмаслиги ,баъзан унга ёмонликни раво кўриши аёл- онанинг физалогик -психологик ҳолатларига ҳам боғлиқдир. Негаки, она тўққиз ой мобойнида ўз вужудида янги вужуд яратади, жонсиз танага жон баҳш этади , ўз қонидан кон беради . Неча –неча тунларни шу мурғак жонга бағишлиб бедор ўтказади . Оқ сут беради . Ўтай боласига-чи ,шундай қила олганми,. Йўқ .Худди шу омил ўтай онанинг етим болани ёмон кўришига, “бирорнинг боласи“ ёки “ ўзганинг боласи “ деб ажратишига ва унга шавқатсиз бўлишига олиб келади .Бу хилдаги угайлик иллати нафақат оиласида , ҳатто бутун бошли салтанатларни ҳам инқизотга олиб келган омил сифатида тарихда фожияли из қолдирганингига оид анчагина мисоллар бор . Бундан кўриниб турибдикий , ўтайлик ҳам иктиносидий , ҳам ижтимоий сиёсий , ҳам маънавий- ахлоқий омилларга боғлик иллат бўлиб , ҳар қандай соғлом оиласида ҳам дарз етказади .

Тўртинчиси – мафкуравий омил бўлиб , бу кизил империя хуқимронлиги даврида миллий оиласи муносабатларга беписанд қарашда номоён бўлди ., Бундай беписанд қараш моҳиятини эътиборли газеталаримиздан бири тўғри таъкидлаганидек ,” Ота – онани боқиши ва тарбиялашдек машаққатли ишдан , аёлни уй рузғор юмишларидан куткариб ,бу foят маъсулятли вазифаларни ижтимоийлаштиришни режалаштирган комунистлар оиласи ва оиласи муносабатларнинг дарз кетишига сабабчи бўлдилар . Бундан мақсад битта эди , у ҳам бўлса бола мурғаклигидан бошлиб на ота –онаси ,на миллатио ватанини билмасин , ўзлигини англамасин ,аникроғи Кремилдан туриб берилган ҳар қандай топширикни мулоҳазасиз бажарадиган манкуртларга айлансин .

Ўз қабиҳ мафкураларини ўйлаб иш юргизган “ қизил раҳнамолар ” нинг узокни ўйлаб ўтказган сиёсатлари маълум жирканч таъсирини ўтказди . Болаларни етимлар ,кекса ота –оналарни гарифлар уйга жойлаштириш ҳоллари кўзга ташлана бошлади . Ёшларнинг ота –оналари хоҳиш -иродасига бўйсунмай турмиш куришлари рағбатлантирилди. Оқибатда айрим оиласида миллий ўзлигини йўқотди . Ичкиликбозлик ,ахлоқсизлик, фаҳш ишларига муккасидан кетиши ҳоллари кўзга ташлана бошлади. Оила шаънини улуғлаш авлодлар анъаналарини қадирлаб ,уларга содик бўлиш каби миллий фазийлатларга “ эскилик сарқити деб қаралди ”⁵ Бешинчиси - тантикроқ ўсан

⁴ Ўзбек тилининг изоҳи луғати. 5 жилдли . учинчи жилд , “ Ўзбекистон миллний энциклопедияси ” Давлат илмий нашриёти , Тошкент нашриёти, Тошкент ,2007,97 бет.

⁵ “АДОЛАТ” газетаси, 1998, 13 март

айрим ёшлар орасида турмиш машшакатларига чидамсизлик , турмишни енгил тушиниш, ўткинчи хою ҳаваслар билан яшашга мойиллик иллати . Шундай иллатлар туфайли ҳозирги ўзбек оиласи ҳам маълум даражада талофтат кўраётгани ҳеч кимга сир эмас .Бундай холат нафақат жамиятни ,балки давлатни ҳам ташвишлантирмаслиги мумкин эмас, албатта. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти Ислом Каримов ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 йиллигига сўзлаган нуткида, Олий Қонунимиздаги оила химоясига багишланган бандини ислоҳ қилиш истагини изоҳлаб айтган фикрида ана шу ташвишни кўзда тутган .“Мен бугун мана шу борадаги бир муҳим масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман . Сўз оила ҳакида ,унинг жамиятимизда ,ҳаётимиздаги роли ўрни ҳакида бормоқда.

Ўзбекистон Конституциясида “Оила жамиятнинг асосий буғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга“, деб ёзилган .

Мен ҳозир айтардимкий, “ ...ҳуқуқига эга“ дегани сал юмшокроқ айтилган. Унинг ўрнига , оила жамиятнинг асосий буғинидир . Оила жамиятимиз ва давлатимиз муҳофазасида , химоясида бўлиши шарт , деб ёзардим. Нега дегандан ,буғунги замон шуни такозо қиляпти “. Чиндан ҳам истиқлол туфайли шу аччик ҳакиқатни теран англаш имкони туғилди ва бу эҳтиёжга айланди. Дархол жамиятимизни соғломлаштириш учун соғлом оила ва оилавий муносабатларни барқарор этиш давлат сиёсатида муҳим ўрин эгаллай бошлади . “ Оила ҳакида гапирав эканмиз, - аввалламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини , авлодларнинг давомийлигини таминлайдиган, муқаддас урфодатларимизни сақлайдиган , шу билан бирга , келажак насиllар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканлигини тан олишимиз керак”.

Шу маънода ҳозирги замондаги ўзбек оиласи бундан минг беш юз йил илгари, ҳатто қолаверса, асримиз бошларидағи ўзбек оиласидан бир мунча фарқ қиссада , лекин ўтмишдаги ўзбек оилаларига даҳилдор энг илгор ҳаётий тажрибалару ананаларни ўзлаштириб, шу жараёнда собик шуролар тузими даврида байналмила оилавий сиёсат зулимлари таъсирида анчагина ўзгарди . Натижада анъанавий кўп буғинли ўзбек оиласи билан бирга , асосан, шахарларида факат эр – хотин ва болалардангина иборат нуклеар оилалар ҳам юзага келди . Ота-она , буви-бобо, ўғил- келин, қиз-куёв ва невара – чеваралардан иборат анъанавий кўп буғинли ўзбек оилалари нисбатан қишлоқларда кўпчиликни ташкел этади . Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки ҳиссасининг қишлоқларда яшаётгани инобатга олинса, ҳалқимизнинг анъанавий кўп буғинли оила ҳаётига чукур кўнинканлиги янада ойдинлашади .

Оила тарихий – ижтимоий ҳодиса сифатида кишилик жамиятида катор вазифаларни бажариб , ҳам ўзи, ҳам жамиятимизнинг такомиллашувини таминлаб келмоқда. Қуръони каримда ҳам эр хотиннинг яқинлашувидан асл мақсад фарзанд талаб қилиш эканлиги “ Бақара “ сурасининг 223- оятида маҳсус таъкидланган : “ Хотинларингиз зироатгоҳингиздир .Бас зироатгоҳингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашаверинг ва ўзингиз учун яхши амаллар тақдим қилинг !”⁶ Зоро, фарзанд эр ва хотин муносабатларини, демакки, оилани мустаҳкамловчи илоҳий неъматдир. Қизларни чиқараётганда кексаларнинг “Илоё этагингдан кўпайгин, ували -жували бўлгин “ дея алқашлари ҳам шундан қолган . Фарзандларнинг дунёга келиши оиланинггина қувончи эмас , рост, бунда оила аъзолари кўпаяди ,аммо ҳаммадан аввал шу фарзанд мансуб бўлган ҳалқ , миллат кўпаяди , жамият тўлишади . Шу маънода оилада қанча бола бўлиши масаласи демографик сиёсат асосини ташкел этади .Ўзбек ҳалқида қадимдан аёлларни ҳурмат қилиш шараф саналиб келинган . Зоро, зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”да фарзанд кўрган аёлни алқаш , уни ҳар гал бола тукканида бир тую билан раббатлантириш қонунийлаштирилган . Аксинча, балоғатга етиб, қасдан турмуш қурмаётган кизни қопга солиб 25 дарра уриш ва йигитга тамға босиб, оғир занжирни белига боғлаб юриши билан жазолаш буйрулган. Афтидан, бу талаблар изсиз кетмаган, бильякс, ҳалқда кўп фарзандликка рағбат уйғотган . Натижада “ўнта бўлса - ўрни бошқа , киркта бўлса - қилиғи” деган акида ўзбек оиласидаги болапарварликни шакиллантирган. Шу боисдан ўзбекларда тугулиш нисбатан кўпроқ экан бу ҳалқимиздаги болапарварлик анъанасининг ифодаси саналмоғи шарт .

Муҳокама ва олинган натижалар

Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, жаҳонда айни замонда кечачётган демографик сиёсат ўзбек оиласини ҳам бефарқ қолдирмёти. Ҳусусан, истиқлол туфайли кун тартибиға қўйилган соғлом авлод учин кураш мақсадлари ишини соғлом оиладан бошланишини тақазо эта бошлади. Бу ҳол оилани режалаштириш масаласини келтириб чиқарди . Оилани режалаштириш бола туғилишини тартибиға солинишини англатасада , бу масалада жаҳон демографик сиёсатда икки йўналиш ҳуким суреб келаётганини эслатишига тўғри келади :

Биринчи йўналиш - оилани ихтиёрий услубда режалаштириш. Бунда қанча фарзанд кўриш масаласини ҳар бир оиланинг ўзи ҳал қиласи. Иккисодий тараккӣ этган мамлакатларда аёлларнинг маълумотлилик даражаси ўсиб, ишлаб чиқаришда бандликлари ошган, шунингдек, тиббий химояланиш имкониятлари кенгайланган вазиятда бир ёки икки фарзанд кўриш билан чекланиш ананага айланадиган . Бу ҳол, айниқса, Европа мамлакатларида тобора чукирлашадиган . Ахвол шу даражага бориб етди, бу мамлакатларда туғиши беҳад камайиб кетаётган фавқулотда ижтимоий ташвишга айланадиган .

Иккинчи йўналиш - оилани сиёсий йўл билан давлат томонидан режалаштириш. Бундай демографик сиёсат Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида 20 асрнинг ўрталаридан кўллана бошланди . Зоро, бу даврга келиб ,

⁶ Қуръони карим . Т., “Чўлпон”, 1992 , 27 -6

бу мамлакатларда туғилиш шиддатли тус олиб , ахолини озиқ-овқат , кийим-бош ва иш билан таъминлаш ташвишли муаммо сифатида жиддий тус ола борди . Маълумотларга кўра , 1900-1950 йилларда ривожланаётган давлатларнинг ахолиси ўртача ҳисобда йилига бир фоиздан кўпайган бўлса ,1950-1965 йилларда икки уч фоизга кўпайди . “ Натижада ривожланаётган давлатлар оиласи режалаштиришга - туғилишни чеклашга қаратилган демографик сиёсат ахоли ўртасида турли сиёсий, ижтимоий , тиббий ва иқтисодий тадбирлар ўtkазиш йули билан амалга оширилди”⁷.

“Шарқда қадим қадимдан оила муқаддас Ватан саналган,- деган эди президент Ислом Каримов. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса , маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади . Бинобарин , маҳалла -юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик хуким суради“. Бу ўз навбатида, оиласи шакилланган маънавий - ахлоқий анъаналар ва шу асосда келиб чиқувчи вазифаларнинг не ҷоғли адо қилинишига узвий даҳилдордир . Сирасини айтганда, оила маънавий- ахлоқий муҳити ўзига хос шакилланиш тарихига эга, у оила тарихи қадар қадими ўйлни босиб ўтган . Бу ўйлни Абдулла Қодирий Анвар тилидан Раънога оила қуриш түгрисидаги таклифни изхор қилиш жараённида шундай баён этган эди: “ -Туғилгандан сўнг ўсиш, ўсгандан сўнг икков –икков бўлиб яшаш бор - деди Анвар ва бироз тўхталиб олди. -Жуфтлик ёлғиз кишилар орасидагина эмас , Ер юзидағи ҳар бир маҳлуқда ҳам бор ... Масалан, тоғлардаги охулар , ўрмонлардаги тўтилар, чамандаки булбуллар ҳам ёлғиз эмас , жуфт яшайдилар ... сенингча, қандай , мен уни билмайман аммо жуфтланишнинг менимча, энг муҳим бир шарти борки, ул ҳам ҳар икки тарафнинг муҳаббат занжири билан бир –бирига каттиқ боғланишларидир ... Биз икков ёшлидан бирга яшаб келамиз, орамизда маҳфий сирларимиз йук ва бизнинг ўзаро сирларимизга воқиб бўлган чет кишилар ҳам ўйқ! Шунга биноан сен билан маним ҳар тўғрида ҳам очиқ сўзлашмаганимизга ҳеч бир монийлик бўлмас, деб ўйлайман ...агар янгишсам, икковимизни бир – биримизга муаммоларимиз самимий ва юракларимизнинг тепиши ҳамоҳангдир! Ёки янгиш сўзладимми, Раъно?”⁸.

Хулоса

Кўринадики, шунчаки жуфтликнинг мавжудлиги оиласи англатавермайди , балки унда жуфтликни юзага келтираётганлар орасида икки тарафнинг бир-бирини тенг кўриши ,бир-бири билан севиб– севилган бўлиши, бир-бирини хурмат қилиши ва кечира билиши, ўзаро муносабатларидаги сирларни маҳфий тута билиши ва эъзозлай олишлари, бир-бирларига чексиз самимият кўргаза билишлари , ўзаро рост сўзлаб бир- бирларини алдамасликлари, аяшлари , ғамхўрлик қилишлари ҳар қандай вазиятларда бир-бирларига суюна олишлари, ишончлари, бардошларидан иборат. Маънавий-ахлоқий омилсиз оила мўрт омонат бўлади. Оиласи бунёдга келтиришдан кўра уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашнинг чандон оғирлиги ҳам шунда.

Ўзбек оиласида муҳаббатга садоқат алоҳида зийнат саналади . Ғарбдагидай эркин муҳаббат туйғуси ўзбек оиласига ётдир . Шу боисдан ҳам ўзбек оиласи жаҳондаги энг мустаҳкам оиласардан ҳисобланади .

Маълумки, оила ҳар бир жамиятнинг бошлангич хужайраси ҳисобланади.

Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оиласарда порокандалик, бузғунчилик бўлса ҳалол ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йуқолади , охир оқибат у чуқур таназзулга юз тутади .

Шунинг учун ҳам қадимдан ҳар бир жамият оила масаласига катта этибор бериб , оиласарнинг мустаҳкам ва баҳтиёр бўлиши учун имконида бор бўлган барча чора ва тадбирларни кўриб келган .

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдулла Қодирий . Мехробдан чаён // Роман. Тошкент, Ўз даврнашр, 1959 , 96 – 97 – бетлар
2. “Миллий тикланиш” газетаси, 1997, 23 декабр
3. Юсуф Ҳос Ҳожиб Қутадғу билиг, - Т . , 1990.- б 12 -137; Абу А ли Ибн Сино . Тиб қонунлари .- Т, Ҳикмат . – Т.,1994.-б , 8-9; Кайковус Қобуснома .-Т ., 1990 . –б .83-88
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдли . учинчи жилд , “ Ўзбекистон миллий энциклопедияси “ Давлат илмий нашриёти , Тошкент нашриёти, Тошкент ,2007,97 бет.
5. Маҳмуд Қошғарий девони лугатит турк . - Т., 1960. Т.Ш; Ризоуддин Ибн Фахруддин . “ Оила “ / Маъсул мухаррир Ирисов А .-Т .,1991 . - б.-28-44.
6. Куръони карим . Т., “ Чўлпон”, 1992 , 27 -б
7. “АДОЛАТ” газетаси, 1998, 13 март

⁷ “Миллий тикланиш” газетаси, 1997, 23 декабр

⁸ Абдулла Қодирий . Мехробдан чаён // Роман. Тошкент, Ўз даврнашр, 1959 , 96 – 97 – бетлар